

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

2019

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА

ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ТАТУ, “Ахборот кутубхона тизимлари” кафедраси мудири, п.ф.н. Б.Ганиева

Такризчилар: Т.Шаймергенова – Кусеин Караваев номидаги Бишкек Гуманитар университети (Киргизия), п.ф.д., проф. , М.Рахматуллаев - ТАТУ, “Ахборот кутубхона тизимлари” кафедраси профессори, т.ф.д.

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 (694) – сонли баённомаси билан тавсия қилинган

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур.....	4
II. Модулни ўқитиша фойдаланиладиган интерфаол методлари	9
III. Назарий материаллар	156
IV. Амалий машғулот материаллари	37
V. Кейслар банки	62
VI. Глоссарий.....	65
VII. Адабиётлар рўйхати.....	68

І БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқукий хужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишининг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жаҳон ахборот ресурслари” модулининг мақсади: Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогнинг жаҳон ахборот ресурслари билан ишлашга ўргатиш.

Модулнинг вазифалари:

- жаҳон ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденциялари ҳақида тасаввурни ривожлантириш;
- EBSCO PUBLISHING, ProQuest, Springer, Elsevier, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқа тизимлар имкониятларини очиб бериш;
- жаҳон электрон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жаҳон ахборот ресурслари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- электрон ахборот ресурсларини;
- электрон ахборот ресурсларини хуқуқий ҳимоялаш усулларини;
- жаҳон ахборот ресурслари тушунчасини;
- жаҳон ахборот ресурсларининг замонавий ривожланиш тенденцияларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- EBSCO PUBLISHING, ProQuest, Springer, Elsevier, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқа тизимлардан фойдаланиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- таълим тизимини, ўз касбий маҳоратини жаҳон электрон ахборот ресурслари асосида такомиллаштириш **компетенциялариغا** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жаҳон ахборот ресурслари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жаҳон ахборот ресурслари” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш”, “Электрон таълим муҳитини ривожлантириш” ва “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдони бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласида.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар жаҳон ахборот ресурслар тизимлар билан ишлашни, уларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулоти
1.	Жаҳон ахборот ресурслари тушунчаси. Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.	2	2		
2.	EBSCO PUBLISHING, ProQuest. Springer, Elsevier, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқа тизимлар, уларга кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари.	4		4	
	Жами:	6	2	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза. Жаҳон ахборот ресурслари тушунчаси. Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари (2 соат)

Асосий тушунчалар. Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро нормалари. Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-2-амалий иш. EBSCO PUBLISHING, ProQuest. Springer, Elsevier, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқа тизимлар, уларга кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi boyicha daliplar va asosli argumentlarни taqdim qiliш, eshitish va muammolarni echimini topish qobiliyatini rivожлантириш).

Ш БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Блум кубиги» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун “Очиқ” саволлар тузиш ва уларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ушбу методни кўллаш учун, оддий куб керак бўлади. Кубнинг ҳар бир томонида қўйидаги сўзлар ёзилади:
 - Санаб беринг, таъриф беринг (оддий савол)
 - Нима учун (сабаб-оқибатни аниқлаштировчи савол)
 - Тушинтириб беринг (муаммони ҳар томонлама қараш саволи)
 - Таклиф беринг (амалиёт билан боғлиқ савол)
 - Мисол келтириинг (ижодкорликни ривожлантировчи савол)
 - Фикр беринг (таҳлил килиш ва баҳолаш саволи)
2. Ўқитувчи мавзуни белгилаб беради.
3. Ўқитувчи кубикни столга ташайди. Қайси сўз чиқса, унга тегишли саволни беради.

“KWHL” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

Изоҳ. KWHL:

Know – нималарни биламан?

Want – нимани билишини хоҳлайман?

How - қандай билиб олсан бўлади?

Learn - нимани ўрганиб олдим?.

“KWHL” методи	
1. Нималарни биламан: -	2. Нималарни билишини хоҳлайман, нималарни билишим керак: -
3. Қандай қилиб билиб ва топиб оламан: -	4. Нималарни билиб олдим: -

“W1H” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун мавзу бўйича қўйидаги жадвалда берилган олтита саволларга жавоб топиш машқи вазифасини белгилайди.

What?	Нима? (таърифи, мазмуни, нима учун ишлатилади)	
Where?	Қаерда (жойлашган, қаердан олиш мукин)?	
What kind?	Қандай? (параметрлари, турлари мавжуд)	
When?	Қачон? (ишлатилади)	
Why?	Нима учун? (ишлатилади)	
How?	Қандай қилиб? (яратилади, сақланади, тўлдириллади, таҳирлаш мумкин)	

“SWOT-тахлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



“ВЕЕР” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни мувваффакиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Веер” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таниширгач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзуу якунланади.

Муаммоли савол					
1-усул		2-усул		3-усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод хисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот тъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, хал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топширикларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Муаммоли вазият

Тушунча таҳлили (симптом)

Амалий вазифа

“Инсерт” методи

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	Матн
“V” – таниш маълумот.	
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.	
“+” бу маълумот мен учун янгилик.	
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?	

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

ШЫЛДА ШЫЛДА

НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАЪРУЗА.

ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

(2 соат)

Режа:

- 1.1. Асосий тушунчалар.
- 1.2. Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилишнинг халқаро нормалари.
- 1.3. Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.

Таянч тушунчалари: ахборот ресурс, жаҳон ахборот ресурслар, муаллифлик хуқуқи, консорциум, хуқуқий чекловлар, лицензион келишувлар, глобал ахборот, аналитик маълумот, Elsevier, ScienceDirect.

1.1. Асосий тушунчалар.

Ташкилотларни актуал илмий ва таълимий ахборот билан таъминлаш жамиятни ривожланишини мухим шартларидан бири ҳисобланади. Ахборот технологиялари асрида мазкур масалани ечишнинг асосий самарали воситаси бу - ягона халқаро стандартлар асосида шакллантирилган рақамли форматдаги ахборот ресурслари фондига эга автоматлаштирилган ахборот ресурслари тармоғида ривожланган ахборот инфратузилмасини яратиш ҳамда ўз ресурсларини жамоавий фойдаланишга тақдим этиш ҳисобланади. Бунда жаҳон илмий-таълимий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни тўплаш мухим аҳамият касб этади.

Ахборот инфратузилмасини ривожлантиришдаги жаҳон тенденциялари, жумладан, илмий, амалий тадқиқотлар ягона классификация тизимларини, маълумотни кодлаштириш, халқаро коммуникатив форматлар асосида уларни форматлаш, узатишга мойил бўлади. Ахборот мұхитини шакллантиришдаги 90%-дан ортиқ харажатлар мазмун моҳиятига алоқадор ҳисобланади. Ахборот манбаларининг турли туманлиги ҳамда маълумотларни тузилмалари - уларни тизимлаштиришда ягона кўришда бўлишини талаб қиласди. Ахборот коммуникациялари учун кутубхоналарнинг MARC форматлари, DUBLIN CORE форматлар ва ахборот коммуникацияларни халқаро стандартлари бугунги кунда нафақат анъанавий кутубхона маълумотлари, балки илмий техник ва бошқа турдаги ахборотлар орасида фаол ахборот алмашувининг асоси бўлиб хизмат қиласди.

Бу бирлашув маълумотларини тақдим этиш асосида жаҳон ахборот маконини ривожлантириш учун хизмат қиласди. Бундай мұхитнинг ахборот асоси бўлиб электрон кутубхоналар ва уларнинг тармоқлараро алоқалари ҳисобланиб, мазмуний асоси бўлиб эса, нафақат миллий ахборот ресурслари, балки, жаҳон илмий таълимий маълумот базалари хисобланади.

Жаҳон ахборот ресурслари (ЖАР) тушунчаси моҳиятини англаш учун мавжуд қонун ва стандартлар асосида асосий тушунчаларни мазмунини очиш даркор. «Ахборот ресурслари», «ахборот-кутубхона ресурслари», «ахборот илмий-таълимий ресурслар» каби тушунчаларни фарқлаш лозим. АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ - матн кўринишидаги материаллар, овозли ёзувлар ва тасвирлардир. Бу умумий тушунча бўлиб, ресурсларни ахборот келиб чиқишини англатиб,

маълум бир тартибга йўналтирилмайди. Бу шунчаки тартибсиз кўринишдаги турли хил форматдаги хужжатларнинг маълумотлар массиви бўлиши мумкин.

АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСИ - моддий обьектда матн, овозли ёзув ёки тасвир тарзида қайд этилган ҳамда идентификациялаш, сақлаш ва фойдаланишни таъминлаш учун реквизитларга эга бўлган ахборот. Бу ерда «идентификациялаш учун реквизитлар» тушунчаси муҳим ўрин тутади, чунки, мазкур кўрсаткичлар асосида хужжатни (идентификациялаш) топиш мумкин. Реквизитлар қатъий қоидалар ва кутубхоначилик стандартлари асосида кўйилади. Бу анъанавий ҳамда электрон, виртуал кутубхоналардаги маълумотлар қидирув жараёнини формаллаштиришда муҳим жиҳатдир.

ИЛМИЙ-ТАЪЛИМИЙ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ – лицензияланган ҳамда тақриздан ўтган илмий-таълимий ахборотлар (журналлар, мақола, китоблар, мультимедиа ва бошқалар) ахборот ресурслардир. Илмий-таълимий ахборот ресурслари муҳим қийматга эга бўлган интеллектуал манбадир. Одатда ҳар бир хужжат маълумотлар базаси, журналлар, тегишли тўпламларга киритилишидан аввал етакчи олимлар, мутахассислар томонидан саралашдан ўтади. Бу хужжатлар тизимлаштирилади, каталогглаштирилади ва илмий-таълимий ахборотларнинг маълумот базаларига жойлаштирилади. Асосий фойдаланувчилари илмий ходимлар, ўқитувчилар, магистр ва талабалардир.

ЖАҲОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ – дунёнинг етакчи нашриётларининг ахборот ресурсларидир. Бу ахборот қидирув тизимиға эга жамият томонидан тан олинган тизимлаштирилган ва тузилмалашган илмий-таълимий ресурсларнинг маълумот базаларидир. Жаҳон ахборот ресурслари рўйхатига юқори импакт факторли журналлар, иқтибос келтирилган илмий монографиялар, дарсликлар, мақолалар киритилган.

ЭРКИН ФОЙДАЛАНИШ (Open Access) – китобхонларга интернет орқали бепул фойдаланиш, ўқиши, юклаб олиш, нусха кўчириш, тарқатиш ва чоп этиш, қидириш, индекслаш, маълумот сифатида узатиш, ёки қонун доирасида бошқа мақсадларда молиявий ва техник тўсикларсиз муаллифга иқтибос келтирган холда фойдаланишдир. «Эркин фойдаланиш»даги журналлар доимо бепул бўлмаслиги мумкин. Улар муаллиф гонорарларини тўлаш учун, журнални ўз вазифаларини бажариш учун қўллаш мақсадида нарҳ ҳам ўрнатишлари мумкин, лекин эркин фойдаланишда бўлиб, китобхонлар, фойдаланувчилар учун очиқдир. Фойдаланиш учун ҳеч қандай тўлов талаб этилмайдиган журналларни баъзан «гибрид кириш» журналлари деб ҳам атайдилар.

МАЪЛУМОТ БАЗАЛАРИ (data base) – тасвирлаш, сақлашнинг алоҳида қоидалар асосида ташкил этилган амалий дастурлар асосида тузилган маълумотлар йиғиндисидир. Маълум бир қоидалар асосида ташкил қилинган, умумий тавсиф, сақлаш ва ўзгартириш тамойиллари назарда тутилган маълум бир соҳа бўйича (илмий-таълимий, иқтисод) маълумотлар мажмуи. Бизнинг ҳолатда илмий журналлар, китоблар, ҳисобот ва шу кабиларни маълумот базаларидир. Маълумотлар базасига мурожат қилиш маълумотлар базасини бошқариш тизими орқали амалга оширилади.

ПЛАГИАТ (Plagiarism) – ўзга муаллиф асарини атайин ҳаволаларсиз, муаллифга иқтибосликни кўрсатмасдан шахсий асар сифатида кўрсатишга уриниш. Плагиат – бу нусха кўчиришнинг бир тури бўлиб, муаллифлик хукуқини албатта бузилиши ҳисобланади. Ўз фаолиятида (илмий мақола, китоб, ҳисобот, маърузаларни ёзишда) ахборот ресурсларидан фойдаланиш жараёнида муаллифлик

хуқуқларига қатъий риоя қилиш лозим. Ҳужжатни яратишда фойдаланилган манбаларга албатта ҳаволалар келтириш лозим. Плагиаризмни тушуниш янги ахборот ресурсларини, айниқса илмий-ахборот ресурсларини яратишда муҳим ҳисобланади. Муаллифлик хуқуқлари ҳар бир мамлакатда муаллифлик ва турдош хуқуқлари тўрисидаги тегишли қонунлар билан муҳофаза қилинади. /1/.

Илмий-ахборот ресурслари манбаларини ўрганишда турли ахборот етказувчиларнинг мавжудлигини билиш зарур:

НАШРИЁТ - ташкилот (давлат, жамоат, кооператив ёки хусусий), адабиёт, санъат, мусика ёки фан соҳасида фаолият юритиб, маҳсулотларни яратиши, кўпайтириши, тарқатиши мумкин бўлган медиа-компания. Нашр (маҳсулот) босма ҳамда электрон (ракамли) кўринишда бўлиши мумкин. Нашриёт маҳсулотини тарқатиш савдо каналлари, Интернет орқали ҳамда бевосита ношир томонидан амалга оширилиши мумкин. Тарқатиш нашриётнинг мақсадлари ва бизнес модели асосида пуллик ва бепул бўлиши мумкин.

АГРЕГАТОРЛАР – ўзи ноширлик қилмаган ҳолда электрон ресурсларни ийғувчилар ҳисобланиб, истеъмолчиларни уларнинг сўровлари, обуналари асосида ресурсларга бўлган эҳтиёларини аниқлаб, керакли ахборотлар билан таъминлаш мақсадида маркетинг фаолиятини олиб борадилар. Агрегаторлар нашриётлар, манба яратувчилар билан уларнинг ресурсларидан фойдаланиш бўйича шартномалар имзолайдилар.

АНАЛИТИК МАЪЛУМОТ БАЗАЛАРИНИ ЯРАТУВЧИ КОМПАНИЯЛАР – бундай ташкилотлар ресурсларни кўлланилиши, у ёки бу манбааларга мурожатлар бўйича, муаллифларга мурожатлар, уларнинг иқтибослиги ва бошқа шу каби параметрлар бўйича таҳлиллар олиб боради. Бундай аналитик воситалар ва маълумот базалари манбаларни, уларни яратувчиларини баҳолашда муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Аналитик маълумот базалари ва улар билан ишлаш борасида инструмент яратувчилардан энг таниқли компаниялар бу Clarivate Analytics, Thomson Reuters ва Scopus каби компаниялардир.

Илмий ва таълим муассасаларини уларни фаолиятида муҳим бўлган ахборотлар билан таъминлаш ўта долзарб масаладир. Олий таълим муассасаларида ноширлик фаоллигининг пасайиши жаҳон миқёсидаги илмий журналлардан фойдаланишга бўлган имкониятнинг чегаралангандиги асосида юзага келади.

Дунёнинг етакчи маълумот базаларига эга нашриёт компанияларга обуна бўлиш нарҳлари жуда қиммат бўлиб, Олий таълим тизимида, Фанлар Академияси тизимидағи илмий муассасаларда уларни тўплаш, тизимлаштириш, каталогглаштириш муҳим ўрин тутади. Қимматбаҳо илмий таълимий ресурслар - фойдаланувчилар учун нафақат оператив равишда фойдаланиш учун, балки доимий фойдаланиш, муаллифлик хуқуқи ва мулкка эгалик хуқуқини бузмаган ҳолда тарқатиш имконини беради.

Ташкилотларда улардан фойдаланишнинг самарали технологияларини яратиш, уларни аккумуляциялаш тадқиқот ва ишланмаларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва аккумуляциялаш технологиялари жуда кўп. Шулардан, корпоратив ахборот кутубхона тармоқларида жамоавий фойдаланиш учун маълумотлар базасини яратишда апробацияланган ARMAT тизимини келтириб ўтиш мумкин. Бунда Ўзбекистоннинг 60 дан ортиқ олий таълим муассасаларининг корпоратив тармоғини келтириб ўтамиз.

Республиканинг ахборот кутубхона тизимлари асосида ташкил этилган ахборот кутубхона тармоғи электрон илмий таълимий ресурсларни шакллантириш


ва тарқатиши механизмини яратишга имкон беради.

Барча ташкилотларда соҳа ёки қизиқишиларидан қатъий назар локал тармоқлар режимида керакли бўлган ресурсларни излаш, нусҳа кўчириш каби амаллар бажарилади. Олинган материаллар тизимлаштирилади, хужжат турлари асосида матамаълумотларга ажратилади: илмий мақола, китоб, дарслик, кўп томли нашрлар, журналлар, диссертациялар, мультимедиа ресурслари ва ҳ.к.

Ресурсларни каталоглаштиришнинг кейинги босқичи MARC форматлари асосида юқори малакали мутахассислар томонидан тегишли метамаълумотлар майдонлари асосида амалга оширилади. Корпоратив тармоқда ишлаш бир қатор вазифаларни бажаришни тақазо этади. Булар: консорцум иштирокчилари ўртасида ахборотларни алмашиб; ёзувлар ва материалларни қайта тақорланишини олдини олиш; йигма электрон каталогни (ЙЭК) шакллантириш. ЖАРларнинг ЙЭК ягона порталига кириш ва самарали қидирувни ташкил этишга имкон яратади.

1-расмда Ахборот кутубхона марказларининг (АКМ) корпоратив тармоқларида интеграцияланган тизим тузилмаси келтирилган. Бу тизим турли хил ташкилотлар, нафақат, олий таълим муассасалари доирасида, балки коллеж, лицей, мактаблар, архивлар ва ҳ.к.ларнинг корпоратив тармоқларида ягона технологиялар асосида тезкорлик билан илмий таълими ахборотларнинг маълумотлар алмашувини таъминлашта имкон яратади.

Интеграция масалаларини ҳал этиш учун булатли технологиилардан фойдаланилади. Бундай тизимларда булатли технологииларни роли барчага очиқ ресурслар ва йигма электрон каталогни шакллантириш ҳамда фойдаланишини таъминлашдан иборат. ЙЭК ахборот ресурслари оқимида республиканинг турли хил турдаги фойдаланувчилари учун виртуал муҳитда тезкор ахборотга эга бўлишда йўлкўрсаткич бўлиб хизмат қиласди.



Расм. 1 АКМ корпоратив тармоғининг интеграллашган тизими

Аҳолини ахборот кутубхона ресурсларидан фойдаланишини, тадқиқотлар учун зарур бўлган тўлиқ матнли ахборотга эга бўлишини таъминлаш республикамизда илмий тадқиқотларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб

хизмат қиласи. Фан ва таълимга оид илғор манбалардан фойдаланишга имконият яратиш орқали илмий марказлар, ўқув муассасаларининг илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим бериш потенциалини ошириш мумкин. Лекин, қимматбаҳо ахборот ресурсларини шакллантириш ва сақлаш учун электрон кутубхоналарда зарур илмий таълимий материалларни олиш ва тўплашга имкон яратувчи маҳсус технологияларни ривожлантириш зарур.

Бунда, республиканинг ахборот индустриясини ривожлантиришда, илмий маълумот базаларининг ахборот фондларига эга бўлган олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва етакчи ахборот кутубхона муассасалари фаолиятини бирлаштириш зарур. Бугунги кунда ЖАРларидан фақатгина фойдаланиш эмас, балки ЖАР асосида электрон кутубхоналарни шакллантириш лозимдир. Бундай ривожланган ахборот инфраструктурасини амалга ошириш шартлари қуидагилар:

1. Юқори тезлиқдаги телекоммуникация тармоқларининг мавжудлиги;
2. Библиографик ёзувларни тақдим этишининг халқаро талаблари асосида электрон кутубхоналарни шакллантириш;
3. электрон каталоглар ташкил эта оладиган, илмий таълимий, бизнесга ва ҳ.к. оид ресурсларни рақамлаштириш, тўлиқ маълумот базалари, мультимедиа маълумот базаларини шакллантира оладиган юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги;
4. тармоқ ва маълумот базаларини ваколатли бошқарувини ташкил этиш.

Ривожланган телекоммуникацион тармоқлар ва электрон маълумотлар базасини шакллантирувчи дастурий маҳсулотлар консорцум иштирокчилари ўртасида юқори тезлиқдаги каналлар орқали илмий таълимий ахборотларни алмашишга имкон яратади. Юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, маълумот базаларини, ахборотларни қайта ишлашни автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқилиши, ахборотни ташувчи, тарқатувчи ташкилотлар билан ижодий ҳамкорликнинг мавжудлиги, кутубхоналар, таълим муассасалари, илмий марказларининг зарур илмий таълимий ахборотлар билан таъминланиши корпоратив тармоқни ривожлантиришнинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Бу эса керакли бўлган ахборотларни қидиришга кетадиган вақтни ўнлаб ва юзлаб маротаба қисқартириш имконини бериб, рақобатбардош ахборот маҳсулотларини яратишга, ОТМ ва кутубхоналар ўртасида самарали ахборот алмашинувига имкон яратиб, ўқув материалларини ўзлаштиришнинг самарадолигини оширишга хизмат қиласи.

Интеграциялашган автоматлаштирилган кутубхона тизими йиғма электрон каталог яратиш, электрон дарсликларнинг тўлиқ матнли маълумот базаларини яратиш, талаба, ўқитувчи, илмий ходимларга масофадан хизмат кўрсатиш, электрон кутубхоналарга республикада яратилган қимматли маълумот базаларига, жумладан ЖАРларга кириш, улардан фойдаланиш имконини яратади. Корпоратив тизим виртуал кутубхоналарга бўлган биринчи қадам ҳисобланиб, ахборот маҳсулотлари орқали ўқув материални самарали ўзлаштиришга имкон яратади. Тармоқ – маълумотларни узатишни юқори тезлигини таъминлашга, ўрнатилган қоидалар асосида янги абонентларни қўшиш, мавжуд ахборотларни хавфсизлигини таъминлаш имкониятини яратади. Корпоратив ахборот тизимлари технологияларини қўллаш, қуидаги имкониятларни яратади:

- электрон илмий-таълимий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш самарадорлигини оширади (айниқса, вилоятларда), таълим олишнинг

интерактив усулларини, жумладан, телеконференция ва теле-маърузалар, масофадан таълим бериш, билимларни синовдан ўтказиш тизимини жорий этиш;

• халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи илмий-таълимий тўлиқ маълумот базаларини шакллантириш (включая базы данных электрон дарсликларни, диссертациялар, илмий мақолалар, мультимедия (ўқув кино-, мультиPLICATIONОН фильмлар, мусиқа асарлари ва бошк.);

• виртуал кутубхона режимида илмий таълимий ресурсларнинг маълумот базалари ва электрон каталогига онлайн фойдаланиш имконини яратиш;

• Аборот кутубхона муассасалари, ОТМни электрон каталогларни яратилишини қўллаб қувватлаш ва молиявий, меҳнат ва моддий ресурсларни яратиш бўйича сарф харажатларни қисқартириш;

• Илмий ва таълим муассасаларини, ҳамда давлат ва бизнес ташкилотларини зарур ахборот билан таъминлаш;

• тармоқ иштирокчиларига илмий-таълимий ахборотларни локал электрон каталогларини яратишнинг самарали имкониятларини яратиш;

•бу тизим АКМларини ўзаро ҳамкорлигини яратиш, турли хил ташкилотларнинг кутубхона ва ахборот тармоқларини бирлаштириш орқали республикада мустаҳкам ахборот кутубхона инфратузилмасини яратишга имкон яратади.

Электрон кутубхонанинг миллий ресурслари, ахборот-кутубхона ресурслари, шунингдек, жаҳон ахборот ресурслари асосида шакллантиришнинг энг самарали йўлларидан бири бу АКМларининг корпоратив ҳамкорлиги ҳисобланади. Компьютерлашган кутубхонадан виртуал кутубхонагача бўлган турли хил турдаги, турли даражадаги кутубхоналар ўртасида оператив равишда маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш мураккаб жараёнлардан биридир. Бу ахборот ва дастурий мослашган автоматлаштирилган кутубхона тизимларини интенсив жорий қилиш, электрон кутубхоналарини шакллантириш, АКМларининг корпоратив тармоғини ривожлантишга асос бўлади.

Ахборот кутубхона муассасаларининг корпоратив тармоғи – бу бошқарув-иктисодий нуқтаи назардан мустақил бўлган АКМларининг, фойдаланувчиларга ахборот кутубхона хизмати қўрсатишда сифат ва сон жиҳатдан янги хизмат турларини жорий этишдаги бирлашувидир /92/.

Корпоратив тармоқ - илмий-таълимий ва илмий-техник (НТИ) ахборотларни тармоқларда, жумладан, ахборот кутубхона муассасалари тармоғида шакллантиришда моддий ва инсоний ресурсларни иктисод қилишда муҳим ҳисобланади. АКМларни корпоратив тармоғини бирлашувида корпоратив каталогглаштириш тизимини яратиш муҳим ҳисобланади.

Корпоратив каталогглаштириш – бу бир қанча ташкилотларнинг (кутубхона, АРМ, АКМ) ташкилотга келаётган янги ҳужжатларининг электрон каталогларини шакллантириш ва улардан фойдаланишини амалга оширишдир. Корпоратив каталогглаштиришнинг қуйидаги принципларини қўрсатиш мумкин:

1. Дастурий ахборот мослиги
2. Ўз хоҳишига кўра
3. Техник тайёрлиги
4. Ташкилий тайёрлиги
5. Кадрларни тайёргарлиги

Дастурий ахборот мослиги шуни англатадики, корпоратив каталогглаштириш иштирокчилари библиографик ахборотни тақдим этишнинг

форматларига (MARC келиша оладиган) мос холда ягона дастурий ахборот асосга эга бўлишлари лозимлигини англатади.

Ўз хохишига кўра аъзо бўлиш принципи, шуни тақазо этадики, корпоратив каталогглаштириш иштирокчилари мазкур лойиҳага ихтиёрий кутубхоналар ва фойдаланувчилар учун ҳамкорликнинг афзалликларини тушунган холда киришлари назарда тутилади.

Техник тайёрлиги бу барча иштирокчилар локал ҳамда коммуникатив вазифаларни бажариш учун зарур бўлган техникага эга бўлиши. Корпоратив каталогизацияция тизимида ягона икки даражали тармоқ технологиялари ахборот ресурсларини тақдим этиш ва ташки ресурслардан фойдаланишга имкон яратиши лозим.

Ташкилий тайёрлиги. АКМ ва АРМ ларнинг ташкилий тузилиши маълумотлар базасини шакллантириш борасидаги барча вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Айниқса, мазкур лойиҳани амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бўлимлар (масалан, каталогглаштириш, автоматлаштириш ва бошқ) тайёр холатга келтириши лозим.

Кадрларни тайёргарлиги. Кутубхоналар корпоратив вазифалар, функцияларни тушунувчи ва уларни моҳирона ҳал этувчи ходимларга эга бўлиши ёки бундай таркибни шакллантириши лозим.

Шу тариқа, интеграциялашган ахборот тузилишга эга республика, тармоқ ва минтақавий ахборот ресурсларини бирлаштирувчи, ахборотни давлат органлари, иқтисодиёт субъектлари, фан ва таълим, бутун жамият манфаатлари йўлида ва ягона стандартлар асосида йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, қидириш ва ягона ахборот кутубхона тармоғини ташкил этиш имкони юзага келади. Тақсимланган ахборот тармоғи ташкилотларнинг ўзаро электрон ахборот ресурсларини ёки бу ресурслар хақидаги ахборотларни алмашинувини ягона принциплар ва очик умумий қабул қилинган стандартлар асосида ташкил этилган яхлит технологик ва ахборот муҳитини хосил қилиши лозим.

Тармоқни йўлга кўйишнинг якуний натижаси бўлиб, ўзида қўйидаги замонавий технологиялардан иборат операцияларни амалга оширувчи замонавий ахборот инфратузилмани шакллантириш бўлиб ҳисобланади:

- Кутубхона инфратузилмасини интеграциялаш
- Кутубхона ресурслари ва илмий техник ахборотни тўплаш, системалаштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш ва етказиб бериш
 - электрон ахборот ресурлари бўйича навигациялар;
 - илмий техник ахборотга эга жаҳон ахборот ресурслари;
 - ўзбек, рус, инглиз тиллардаги ахборот бозоридаги сегментнинг максимал тўлиқлигини таъминлаш;
 - фойдаланувчига долзарб, тўлик, максимал равишда тизимлаштирилган, энг қулай шаклда ахборотни тақдим этиш;
 - илмий-техник ва илмий-таълимий ахборотни - электрон, анъанавий кутубхона ресурслари, депозитарийлар, архивлар ва бошқ., мутаносиб тақсимланган ва тизимлаштирилган уюшмаси.

1.2. Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳалқаро нормалари.

“Муаллифлик хуқуқи (МХ)” тушунчасининг ўзи XVIII асрнинг бошидаёқ пайдо бўлган. Ушбу хуқуқнинг асосий мақсади – инсоннинг интеллектуал фаолиятини ҳимоя қилиш ва тақдирлаш ҳисобланади. Электрон ресурсларни

хуқуқий ҳимоялаш нафақат обуна бўлиш ва жаҳон маълумот базаларидан фойдаланишга имкон яратишида, балки локал ва корпоратив тармоқда ўз рақамли кутубхоналарини шакллантиришида ҳам муҳим жиҳатлардан бири бўлиб ҳисобланади. «Муаллифлик хуқуқи (МХ)» тушунчаси 1709 йилдан бери ривожланиб келмоқда. Бу хуқуқнинг асосий мақсади – инсоннинг интеллектуал фаолиятини ҳимоялаш ва рағбатлантиришдан иборат /1,12,14/.

МХ термини икки хил мазмунга эга:

- Ўзининг ишини такрорлаш ёки оммавий тақдим этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муаллифнинг шахсий хуқуқи;
- Муаллифнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш юридик тизими, моддий хуқуқий тизимнинг бир қисми.

МХ (Муаллифлик хуқуқи) асарларга ўзининг умумий қаттиқ талабларини қўяди:

- Муаллиф ўз ишига маънавий ҳуқуқга эга;
- Ҳеч ким муаллифнинг рухсатисиз уни ўзгартириш ёки муаллифнинг фамилиясини қўрсатмасдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас;
- Муаллиф бажарган иши учун мукофот олиш ҳуқуқига ҳам эга;
- продюсер/нашриётчи ҳам кўпчилик ҳолларда қўшган ҳиссаси учун мукофот олиши керак.

Барча ҳолатларда ҳам ушбу қаттиқ талаблар қўйиладими? Ҳар доим ҳам муаллифлик хуқуқи қаттиқ талабларига амал қилиш зарурми? Агар шу масалани чуқурроқ таҳлил қилиб чиқилса, умумий қаттиқ қоидалардан қатор четланишларни қўрсатиш мумкин. Бу асосан МХ учун маълум чегирмалар нима мақсадда берилишига тааллуқлидир: таълим мақсадларидали? Маданиятни ривожлантириш мақсадларидали? Ижтимоий мақсадлардами?

Кутубхона – бу ахборот ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги энг кўп кузатиладиган соҳа бўлганлиги учун айнан кутубхона ходимлари қандайдир алоҳида шартларни ҳисобга олиб ахборот ресурсларидан фойдаланиш чекланишлари ҳамда имкониятлари доирасини ўрганишлари зарур.

Кутубхоналар энди китоб, кассета, дисклар каби физик объектларга эга бўлишлари, балки Интернет тармоғидан ва бошқа рақамли ахборот ресурсларидан (электрон журналлар, маълумот базалари ва шу кабилар) эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар.

Кутубхоначиларда янги ташвишлар ва вазифалар пайдо бўлмоқда:

- электрон ресурслардан фойдаланиш тартиби тўғрисида лицензияли келишуввларни тузиш.
- Улар кутубхона фондини бир қисми сифатида тармоқ хужжатларини танлаб олиш, баҳолаш ва солиштиришни ўрганиб олишлари керак.
- Шартнома ва шартнома ҳуқуқини ўқиш учун қўшимча билим ва кўникмалар олишлари ҳамда музокаралар олиб бориш кўникмаларини эгаллашлари керак.

МХ га амал қилиш илмий, илмий-оммабоп, бадиий ва бошқа асрларни рағбатлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўз асарларини кутубхоналарда эълон қилиш ва тақдим этишга ижодий шахсларни жалб қилиш учун самарали рағбатлантириш механизmlарини топиш зарур. Ривожланган чет давлатлари тадқиқотлари нима учун муаллифлар кутубхоналарда эркин фойдаланиш учун ўз асарларини тақдим эта олишларининг муҳим сабабларидан бири бу – муаллифнинг мақолалари ёки китобидан фойдаланиш қўрсаткичларининг анча ўсиши эканлигини қўрсатади. Мана шунинг ҳисобига унинг асарларига ўқувчиларнинг

қизиқишилари ва талаб даражаси бир неча бор ортади.

Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам кутубхона муаллиф билан лицензияли келишув тузиши лозим. Келишув тузишнинг қандайдир қатъий стандартлари мавжуд эмас, аммо муаллиф билан имзоланишида амал қилиниши керак бўлган томонлари бор. Бу томонлари нималардан иборат?

Одатда лицензияли келишувларда қуйидаги тушунчаларга кирувчи моддалари бўлади:

- Келишув томони;
- Декларатив қисми;
- Келишув изоҳлари;
- Аниқлик киритиш;
- Қонунни танлаш;
- Шартноманинг асосий қисми;
- Ушуб лицензия томонидан бериладиган хуқук;
- Қўллаш чекланишилари;
- Амал қилиш муддати ва тугаши санаси;
- Етказиб бериш усули ва лицензиялаштирилган материаллардан фойдаланиш;
- Лицензион тўлов;
- Лицензия эгасининг (кутубхонанинг) ҳаракатлари;
- Бажариш ва баҳолаш;
- кафолотлари, мажбуриятлар, заарни ўрнини тўлдириш;
- Форс-мажор;
- Ҳуқуқини сотиш(бериш);
- Хабардор қилиш;
- келишмовчиликларни ҳал қилиш;
- қўшимча ҳужжатлар;
- имзолар.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқлари «Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисидаги» (21.07.2006 йил) Қонун билан белгиланади. Афсуски электрон нашрлар билан боғлиқ пунктларни ҳисобга олиш мумкин бўлган моддалари ёки алоҳида қонун ҳали йўқ, аммо ҳозирги пайтда асарлардан кутубхоналарда фойдаланишда МҲни ҳимоя қилиш учун ушбу Қонуннинг қатор моддаларидан фойдаланишимиз мумкин. Электрон ресурслардан нусха олиш, шакллантириш, ёзма ҳамда электрон шаклларини тарқатишда кутубхоналар амал қилишилари мумкин бўлган Қонуннинг энг муҳим моддаларини кўриб чиқамиз.

4- моддага биноан «МҲ қуйидагиларга тааллуқли: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган ёки Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлган муаллифлар асарлари ёки бошқа МҲнинг дастлабки эгаларига; муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъий назар биринчи бор Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган асарларга; Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига биноан Ўзбекистон Республикасида кўриқланадиган асарларга».

Муаллифлик ҳуқуки (МҲ) адабиёт асарларига ҳам тааллукли (5-модда). Электрон ресурсларни, электрон маълумотлар базаларини, электрон кутубхоналарни яратишида биз кимнингдир асаридан фойдаланадиган бўлсак ушбу моддага амал қилишимиз керак бўлади.

МХ бирор бир объектив шаклда бўлган, эълон қилинган ҳамда эълон қилинмаган асарларга ҳам тааллуқли: ёзма (қўлёзма, машинада терилган, нота ёзуви ва шу кабилар); овозли ёки видео (механик, магнитли, рақамли, оптик ва шу каби); тасвир (расм, эскиз, картина, план, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва шу кабилар); бошқа форматлардаги.

6-Моддага биноан қўйидагилар муаллифлик хуқуқи ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқалар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- аудиовизуал асарлар;
- фотосурат асарлари ва фотосуратга ўхшаш усул билан олинган асарлар;
- географик, геологик ва бошқа хариталар, планлар, эскизлар, географияга, топографияга ҳамда бошқа фанларга тааллуқли асарлар.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, агар дарсликлар, илмий мақолалар, китоблар ва ҳ.к.ларни рақамли турига айлантироқчи бўлсангиз ушбу асарлардан ихтиёрий фойдаланиш, кўпайтириш бўйича Қонун қўядиган чекланишларни ҳисобга олиш лозим.

7-моддага биноан асарларнинг бир қисми, асарнинг хосиласи ва таркибий қисмлари ҳам муаллифлик хуқуқи объектлари ҳисоблананишини эсда тутиш зарур. Бунга қўйидагилар киради: мустақил фойдаланилиши мумкин бўлган асарнинг маълум бир қисмлари (шу жумладан унинг номи); асарнинг хосилалари (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, муҳтасар хуносалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари); тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танлаб олиниши ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик хуқуқи объектлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, электрон тўлиқ матнли маълумотлар базасини, мельтимидали маълумотлар базасини яратишда кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимидали шаклда) фойдаланилаётганлиги ҳисобга олиниши керак.

Расмий хужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шу кабилар) ҳамда уларнинг таржималари муаллифлик хуқуқи объектлари ҳисобланмайдилар; расмий белгилар ва рамзлар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилар ва шу кабилар); одатий оммавий ахборот хусусиятига эга кун янгиликлари тўғрисидаги ёки кундалик ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар. Ушбу хужжатлар, агар очиқ матбуотда эълон қилинган ёки жамоатчилик хабардор бўлса хеч бир маҳсус рухсатларсиз ва келишувларсиз электрон маълумотлар базасига киритилиши мумкин.

Ким асарнинг муаллифи ҳисобланади? Муаллифлик хуқуки барча қоидаларига амал қилиш учун кимга мурожаат этиш керак? Асарнинг асл нусҳаси ёки нусҳасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс муаллиф ҳисобланади (10-модда).

Асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш хуқуқига

эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

Аммо асар бир неча муаллифлар томонидан ёзилган бўлиши мумкин. Хамкорликдаги асарга МҲ шундай асар ажралмас яхлитни ташкил қиласидими ёки ҳар бири мустақил аҳамиятга эга қисмлардан ташкил топадими, бундан қатъий назар хамкорликда хаммуаллифларга тегишли бўлади. Шу билан бир вақтда муаллифлар ўртасида қандайдир расмий келишувлар бўлмаса хаммуаллифлардан ҳар бири мустақил аҳамиятга эга бўлган ўзи яратган асарнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (12-модда).

Кўпинча қандайдир асарлар қайта ишланади. Бу ҳолат одатда илмий асарлар, китоблар билан қузатилади. Улар асосида бошқа муаллифлар тўлдиришлар ва қўшимчалар билан ўз асарларини яратадилар. Яъни, умуман олганда янги асар пайдо бўлади. Агарда яратилаётган электрон ресурсда бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланилган бўлса, моҳияти бўйича асарнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Хосила асарнинг муаллифи қайта ишланган асарнинг муаллифи ҳуқуқларига амал қилиш шарти билан ўзи яратган асарга бўлган МҲ дан фойдаланади. Булар дастлабки муаллифга илова ёки қандайдир келишувлар бўлиши керак. Хосила асарнинг муаллифи МҲ қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар томонидан қайта ишлашларига тўсиқ бўлмайди.

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усул билан фойдаланиш ҳуқуқига эга (19-модда). Яъни ўз асарларини рақамлаштиришга, маълумотлар базасида сақлашга, Интернет орқали тарқатиш учун бериш ёки бермаслигини ўзи ҳал қилиши ҳуқуқига эга.

Асардан фойдаланишга муаллифнинг фавқулотда ҳуқуқи қуидаги харакатларни амалга ошириш ёки рухсат бериш ҳуқуқини англаатади:

- асарнинг асл нусҳасини ёки нусҳаларини сотиш ёки бошқа хусусийликлик ҳуқуқини (тарқатиш ҳуқуқини) бериш билан тарқатиш. Мисол учун, муаллиф асарнинг рақамлаштирилган шаклини фақатгина ушбу кутубхонанинг локал маълумотлар базасида сакланиши мумкинлиги шарти билан ўз асарини кутубхонага бериши мумкин;
- асарни ўзгартириш, безаш ёки бошқа усул билан қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);
- Муаллиф асаридан ҳар бир фойдаланиш тури учун мукофот олиш ҳуқуқига эга (мукофот олиш ҳуқуқи).

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганми ёки ундан фойдаланишда буни кўзланмаганми, бундан қатъий назар, у фойдаланилган ҳисобланади. Ўз ўқувчиларига бепул тақдим этиш учун асарни рақамлаштирган, аммо буни муаллиф билан келишмаган кутубхоналар, АРМлар ҳам МҲни бузган ҳисобланадилар.

«Қайси асарлардан муаллифнинг рухсатисиз фойдаланишимиз мумкин?», «Муаллиф оламдан ўтган бўлса нима қилиш керак?», «Қадимий қўлзмалар, нодир асарларни нима қилиш мумкин?», «Улар кимнинг мулки?», «Уларни ортиқча қоғозбозликсиз рақамлаштириш мумкинми?» деган саволлар жуда муҳим.

Асар муаллифининг ёки бошқа ҳуқуқ эгаси розилигисиз ва мукофот тўламасдан кутубхоналар эркин фойдаланиладиган асарлар нусҳаларини фақатгина вақтинчалик фойдаланишга тақдим этишлари мумкин. Бунда муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган, рақамли шаклда ифодаланган асарларнинг нусҳалари, шу

жумладан кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш тартибида бериладиган асарларнинг нусхалари, бу асарларнинг рақамли шаклдаги қўчирма нусхаларини яратиш имкониятини истисно этиш шарти билан фақат кутубхоналарнинг биноси ичida вактинчалик фойдаланишга берилиши мумкин.(26-модда)

Асардан муаллифнинг исми-шарифи, олинган манбасини албатта қўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан қўйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

Даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа хуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбани албатта қўрсатган тарзда бир нусхада репографик тақрорлашга йўл қўйилади (27-модда):

- кутубхоналар ва архивлар томонидан - асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

- кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўкув ва тадқиқот мақсадларидағи сўровлари бўйича, шунингдек таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада.

Кутубхона ўз ўқувчилари учун мана шундай ихтисослаштирилган электрон кутубхоналарни яратиши мумкин.

Қонун дастурли маҳсулотлар ва маълумотлар базалари эгалари ва фойдаланишга МҲ ни ҳам қамраб олади. ЭҲМ учун дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонуний эга бўлган шахснинг кейинчалик шахсий фойдаланиш мақсадида ЭҲМ учун дастурни ёки маълумотлар базасини эркин тақрорлашга ва соддалаштиришга бўлган хуқуки қонун билан белгиланади. (32-модда).

Муаллифлик хуқуки муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қиласди (35-модда). Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик хуқуки ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узок умр кўрган охирги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Агар асарнинг муаллифи ва ҳаммуаллифлари эллик йил илгари вафот этган бўлсалар кутубхона хеч бир маҳсус рухсатларсиз электрон ресурслар яратиши ва уларни локал тармоқда, Интернетда ҳамда сотиши учун тақдим этиши мумкин.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик хуқуки асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қиласди. Яъни кутубхонада сақланадиган қадими қўлёзмалар қўшимча рухсатларсиз рақамлаштирилиши мумкин.

Муаллифнинг мулкий хуқуқлари мерос бўйича ўтади. (36-модда).

Муаллифнинг шахсий номулкий хуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари қўрсатилган хуқуқларни химоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу хуқуқлари муддат билан чекланмайди. Асарларга бўлган муаллифлик хуқуқининг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоий мулкка айланишини билдиради.(37- модда).

Мулкий хуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан хуқуқ

эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (38-модда).

Муаллифнинг мулкий ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси (ёки лицензия келишуви)да қуйидагиларни назарда тутиш керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳуқуқлар);

- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари (39-модда).

Мисол учун муаллиф ўз асарининг электрон шаклидан фақатгина ушбу кутубхона доирасида (компьютерли ўқув залида) ва унинг ўқувчилари учун нусха олиш ҳуқуқисиз фойдаланишга рухсат бериши мумкин. У электрон версиясини сотишда фоизларни талаб қилиши ёки хеч қандай чекланишларсиз кутубхонага ундан фойдаланишда тўла эркинлик бериши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуки қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт белгиланмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартномани бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуки амал қиласидан худуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси худуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади.

Шартномада, масалан, асарни онлайн фойдаланиш учун пуллик тақдим этилганда фойданинг маълум қисмини тўлаш каби мукофот тури кўзда тутилиши мумкин. Бундай ҳолатларда манбага неча бор мурожаат этилганлиги, асардан неча бор нусха олинганлиги қатъий қайд этилиши керак.

Асар муаллифлари, ижрочилари ёки бошқа ҳуқуқ эгалари ўз мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўз мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир (56-60-моддалар).

Кутубхона консорциуми шундай ташкилот бўлиши мумкин. Консорциум, нотижорат ташкилот сифатида муаллиф билан асарнинг электрон шаклидан ва кутубхона – консорциум аъзолари доирасида фойдаланишга эксклюзив ҳуқуқга шартнома тузиши мумкин. Бу ҳолат консорциумга бирлашган кутубхоналарга ҳар бири алоҳида шартнома тузган ҳолатларга қараганда маблағни анча тежашга, муаллифга эса муносиб мукофот олишига имкон беради. Консорциум кутубхоналари кутубхоналардан бирига муаллифлар билан музокаралар олиб бориш ва консорциум номидан шартномалар имзолаш ваколатини беришлари

мумкин.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чеклашлар кўлланилмайди.

Консорциум ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш қўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида қуидаги ҳуқуқларга эга бўлади (58-модда):

- мукофот миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошка шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;

- консорциум бошқараётган ҳуқуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;

- ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;

- шартномаларда назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;

- бундай ташкилот ўзи бошқараётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш;

- шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош ҳуқуқлар обьектларини, шунингдек асарларга ва (ёки) турдош ҳуқуқлар обьектларига бўлган ҳуқуқларни бошка шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) сақлашга топширишни амалга ошириш.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошка ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин (62 Модда).

Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқларни бузиш қуидагилар бўлиши мумкин:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;

- ижрочининг исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;

- хуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар обьектини тақорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар обьектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

- хуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқларни бузишdir.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар обьектларининг тақорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир. Ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар обьектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар обьектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир.

Электрон ресурсларни яратиш ва фойдаланишда муаллифлик ҳуқукини ҳимоя

қилиш бўйича мухим томонларини кўрсатиш мумкин.

1. Анъанавий ва электрон кўринишда тақдим этилганда қуидагилар муаллифлик хуқуки обьектлари ҳисобланади:

•адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

•драма ва сценарий асарлари;

•матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;

•мусиқали драма асарлари;

•хореография асарлари ва пантомималар;

•аудиовизуал асарлар;

•рангтасвир, ҳайкалтарошлиқ, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;

•манзарали-амалий ва саҳна безаги санъати асарлари;

•фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усусларда яратилган асарлар;

•географик, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар.

2. Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади. Электрон тўла матнли маълумотлар базасини ва мельтимидали маълумотлар базасини яратишида кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимидали шаклда) фойдаланаётганлигимизни ҳисобга олиш керак.

3. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш мутлақ хуқуқига эга. Муаллиф кутубхонага ўз асарларини ракамлаштириш, маълумотлар базасида сақлаш, Интернет орқали тарқатиш учун руҳсат бериши ёки руҳсат бермаслиги мумкин.

4. Муаллиф ўз асаридан электрон кўринишда фойдаланганлиги учун мукофот олиш хуқуқига эга (мукофот олиш хуқуқи). Ушбу хуқуқ муаллиф ва кутубхона ўртасида махсус келишув билан белгиланади.

5. Муаллиф розилигисиз ва мукофотт тўлашсиз қуидаги ҳолларда уларнинг асарларини электрон кутубхонага киритиш мумкин:

•эллик йил илгари вафот этган муаллифларнинг асарларидан кутубхона тўсиқларсиз фойдаланиши мумкин;

•кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалардан хеч бир қўшимча руҳсатларсиз ракамли кўринишга келтирилиши мумкин. (27-модда).

6. Шунингдек, даромад олишни қўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа хуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва албатта репрографик асар олинган манбани кўрсатган тарзда кутубхоналар ва архивлар томонидан.

7. Асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

8. Кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек, таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма

асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада тақорлашга йўл қўйилади.

Масалан, Бутундунё интеллектуал мулк эгалиги (WIPO) ташкилоти 1974 йил ташкил этилган бўлиб, ҳозирда Бирлашган Миллатлар ташкилоти органи сифатида интеллектуал мулк борасида иштирокчи мамлакатларга бўлган талабларни ўрнатади. Бу талаблар қуйидаги ҳужжатларда ўз аксини топади:

- 1996 йилги Муаллифлик хуқуқи тўғрисидаги шартнома (The WIPO Copyright Treaty 1996), Ижро ва Фонограммалар бўйича 1996 йилги шартнома ВОИС (The WIPO Performances and Phonograms Treaty 1996);

- ВОИС ва ВТО ўртасидаги 1995 йилги шартнома (the Agreement between WIPO and WTO 1995);

- Адабий ва бадиий асарларни ҳимояси бўйича Берн Конвенцияси 1971 йилги Париж акти (the Paris Act 1971),

- Ижрочилар, овоз ёзиш продюсерлари, эширтириш ташкилотларини ҳимоялаш халқаро конвенцияси (the International Convention for the Protection of Performers, Producers of Phonograms and Broadcasting Organisations) и

- 1961 йилги Рим конвенцияси (the Rome Convention 1961).

Халқаро Савдо ташкилотларга аъзо бўлиш истагини билдирган мамлакатлар (WTO) Шартномани ратификация қилишга мажбурлар Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPs) - интеллектуал мулк хуқуқларини савдо жиҳатлари бўйича ўз миллий қонунчилик доирасида Шартномани қабул қилишлари лозим. Бу WTO га аъзо мамлакатдунё бозорига чиқиш учун муқобил бўлган муаллифлик хуқуқининг халқаро нормаларига қатъий амал қилишини англатади.

Кўпгина мамлакатларда муаллифлик хуқуқини асосий структурасини шакллантирувчи Берн конвенциясига 150 дан ортиқ мамлакатлар қўшилган. Берн конвенциясининг шартнома шартлари қонунчиликдаги энг сўнгти ўзгаришларни хисобга олади. Қонунчиликдаги энг сўнгти ўзгаришлар қуйидаги принциплар таъсири остида шакллантирилади:

1. Шартнома имзолаган ҳар бир мамлакат келиб чиқишидан қатъий назар барча асарларга бир хил ҳимояни амалга ошириши зарур.

2. Яратилган асарга ҳеч қандай расмиятчиликларсиз муаллифлик хуқуқининг мавжуд бўлиши

3. Муаллифлик хуқуқи ҳимоясининг минимал муддатларининг белгиланиши.

4. Барча мамлакатлар муалифлик хуқуқи ҳимоясига бирданига бир хил даражада амал қила олмасликлари тан олинади. Ривожланётган мамлакатлар учун Берн конвенцияси талабларига бироз енгилликлар киритилган.

5. Муаллифларнинг асосий хуқуқлари ёритилган.

6. Муаллифлик хуқуқи мамлакатнинг келиб чиқишига боғлиқ бўлмайди.

7. Барча истеснолар кутубхоналар учун: Берн конвенцияси доирасида юқоридаги хуқуқ ва мажбуриятларнинг истеснолари тариқасида миллий миқёсда қабул қилинади

Universal Copyright Convention - бу муаллифлик хуқуқи бўйича Халқаро конвенциядир. Унинг мақсади давлатларни Берн конвенциясини имзолашга жалб этиб, муаллифлик хуқуқи борасидаги европа концепцияси ва муллифлик хуқуқининг умумхуқуқий ғоялари ўртасидаги қатъий иқтисодий хуқуқлар концепциясига асосланган узилишларни қисқартиради.

Ҳисоблаш ва орттехникаларнинг замонавий воситалари АРМларда

хужжатларни кўпайтиришни, улардан нусҳа олишни жуда ҳам соддалаштириб, қулай ва арzon бўлишини таъминлади. Замонавий босқичда йирик Миллий кутубхоналарни фойдаланувчиларни ахборот сўровларига жавоб бериши ва муаллифлик хуқуқини юридик талабларини бажарилишини кутубхоналарнинг молиявий манфаатлари билан боғлиқлигини мутаносиблигини таҳлил қиласиз. Ахборот-кутубхона фаолияти бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хужжатларни нусҳалашга бўлган чегараланишлар сабабчисилари сифатида шартли равишда бир неча гурӯхга бўлиш мумкин: Хуқукий, миқдорий, мақсади бўйича ва фойдаланиш шартлари бўйича. Қуйида дунёning етакчи кутубхоналарининг хужжатларни нусҳалаш бўйича муаллифлик хуқуқлари тажрибасини кўриб ўтамиш. (Германия Миллий кутубхонаси, АҚШ Конгресс кутубхонаси, Британия кутубхонаси, Франция Миллий кутубхонаси, Фин Миллий кутубхонаси, Дания Қироллик кутубхонаси, Австралия Миллий кутубхонаси).

Хуқукий чекловлар

Хуқуқ нормалари асосида ҳар бир кутубхона фойдаланувчиларини ўз фондларида сақланаётган хужжатлар муаллифлик хуқуқи, интеллектуал мулк ҳимояси остидаги эканилиги, ёхуд бошқа қонуний хужжатлар асосида ҳимояланишини тушунтиришлари лозим. Бу мақсадлар учун одатда брошюралар, муаллифлик хуқуқи тўғрисида нусҳалаш ва фойдаланиш хақида ахборот варақалари орқали тарқатилади.

Муаллифлик хуқуқи муаллиф вафотидан кейин 70 йилгача амал қиласи. Британия кутубхонасида бундай муаллифларнинг асарларини нучҳалашда асарнинг хуқуқ эгаларидан рухсат олиниши ёки нусҳа олиш учун хақ тўланиши лозим. (copyright fee). Лекин бу тартиб нотижорат мақсадда фойдаланувчилар учун кўлланилмайди.

АҚШнинг Конгресс кутубхонаси материалларни нусҳалаш борасидаги сиёsatда муаллифлик хуқуқи тўғрисидаги Қонунга асосланади. Хуқуқ эгалари нусҳалашга, асарни ижро этишга рухсат беришда битта чегараланиш, бу «ҳалол фойдаланиш» («fair use») доктринасидир.

Кодекс ҳалол фойдаланишда ҳар бир конкрет холат учун тўртта факторни аниқлаб беради:

1. Фойдаланишнинг мақсад ва характеристи –тижорат мақсадлари дами ёки нотижорат таълимий мақсадлардами;
2. Асарларга бўлган муаллифлик хуқуқларининг табиати;
3. Муаллифлик хуқуқи қонуни билан ҳимояланган асардан фойдаланилган қисмининг хажми ва аҳамияти;
4. потенциал бозорда муаллифлик хуқуқи қонуни билан ҳимояланган асардан фойдаланишдан келадиган самарадорлик ҳамда унинг қийматига таъсири.

АҚШда асардан «ҳалол фойдаланиш» да қуйидаги холатларни кўриб ўтиш мумкин:

- танқидий таҳлилда ёки цитата келтиришда, иллюстрацияларни шарҳлашда кўлланилиши;
- илмий ёки техник ишларда иллюстрация, кузатишларни ёритиб бериш мақсадларида асардан қисқача парчаларни келтириш мумкин;

Миқдорий чегараланишлар

Кутубхоналар фондидаги материалларни нусҳалаш ва кўпайтиришда факат шахсий ва нотижорат мақсадларда фойдаланиш учун рухсат этилади, бошқа ҳеч қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Тахминан шундай мазмундаги матн

кутубхоналарнинг нусҳалаш бўлими қоидаларига киритилган. Британия кутубхонаси ўз фойдаланувчиларини нусҳалашнинг мақсади: илмий тадқиқот ёки мустакил таълим олиш мақсадида экани ва ҳеч қандай тижорат мақсадларига йўналтирилмаганлиги ҳақидаги бланк ариза тўлдирилиши ҳақида огоҳлантиради. Британия кутубхоналари ва Франция Миллий кутубхонаси сайтларида микдорий белгиларига кўра чегараланишлар кўрсатилган.

Француздар бу борада либерал: китобларга нисбатан қуйидаги қоидалар кўпланилади. Бунга кўра ишнинг умумий хажмидан 10% ни нусҳалаш мумкин, вақтли нашрларни эса – нашрнинг 30% нусҳалаш мумкин.

Британия кутубхонаси:

- китоб ёки брошюра, ҳисоботларни 5% гача, ёки битта бўлимни;
- битта моқолани бутунлигича ёки агар мақола катта бўлса, журнал, газетанинг 5% гача;
- конференция материалларидан битта мақолани бутунлигича, агар мақола катта бўлса 5% гача;
- ҳикоя ва шеърларнинг антологиясининг 5% гачаси, агар 10 варроқдан ортмаса;
- суд материаллари ёки чоп этилган маъruzalарнинг бир бутуни ёки 5% гача нусҳалашга рухсат беради.

Дунёнинг етакчи кутубхоналарининг муаллифлик хуқуқи ва нусҳалаш бўйича норматив талабларининг асосий манбалари қуйидагилар:

<http://www.copyright.gov/fls/fl102.html> Copyright – Fair use (Библиотека Конгресса СИА)

<http://www.bl.uk/services/npo/pdf/microfilmquality.pdf> (Британская библиотека)

http://www.bnf.fr/site_bnf_eng/tools/copyright.htm Bibliothèque nationale de France : Small reminder on french copyrights (НБФ)

<http://www.bnf.fr/pages/dernmin/pdf/photocopies.pdf> - там же

<http://www.lib.helsinki.fi/english/services/rapidcopies.htm> (НБ Финляндии)

http://www.kb.dk/en/priser/foto/foto_8_generelle_betingelser.html (Королевская библиотека Дании)

<http://www.nla.gov.au/pub/gateways/issues/77/story08.html> The Fair Dealing Review and its importance for Australian libraries by Sarah Waladan

Executive Officer of the Australian Digital Alliance (ADA) and Copyright Adviser (law and policy) for the Australian Libraries Copyright Committee (ALCC).

1.3. Жаҳон ахборот ресурслари ва уларнинг ривожланиш тенденциялари.

Ўзбекистонда бугунги кунда ахборот кутубхоначилик иш жараёнларини автоматлаштириш ва электрон кутубхоналар яратиш билан боғлиқ бўлган ахборот мухити шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ахборот технологияларининг кенг кўпланилиши электрон кўринишдаги ахборотнинг кенг тарқатилиши, ундан нусха кўчиришнинг осонлиги, соддалиги ва барчанинг бу имкониятдан фойдалана олиши, нафақат инсониятнинг интеллектуал меҳнати маҳсули бўлган асарлар яратишга, балки рақамли кўринишдаги интеллектуал мулк обьектларининг фойдаланувчилари ва мулк эгалари ўртасидаги ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлмоқди.

Кўпгина университетлар, ахборот–кутубхона муассасалари ўзларининг электрон ресурсларини электрон каталог, тўлиқ матн кўринишидаги маълумотлар базаси, мультимедиа кўринишида шакллантироқда. Журнал мақолалари,

китоблар, бошқа турдаги асарларни киритаётгандыңда қўп холларда муаллифлик ҳуқуқлари билан боғлиқ саволлар туғилади. Ўз асарининг электрон форматда Интернет ёки локал тармоқ орқали очик фойдаланишига ёки сотилишига муаллиф розими? Ўқитувчи ўз маъruzalарини университет ёки мактаб электрон кутубхонасига тақдим этишини хоҳлайдими? Маълумот базаларимизга ҳорижий муаллифларнинг ёки ноширларнинг розилигисиз электрон дарсликлар, мақолалар ва шу кабиларни киритилиши тўғрими?

Мазкур муаммо бугунги кунда, нафақат, электрон ресурсларни шакллантириш ишларини энди бошлаётган мамлакатларда долзарб. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳорижий матбуот ва ахборот воситаларида ривожланган мамлакатлардаги муаллифлик ҳимояси масалалари билан боғлиқ суд жараёнлари ҳақидаги мақолалар тез-тез кўзга чалинмоқда. Кўплаб муаллифлар глобал ахборот маконида ўзларининг ҳуқуқлари борасида фикрларини билдиримоқдалар.

Асарларни электрон тақдим этишининг хилма-хиллиги, ахборотни тарқатишида Интернет ва телекоммуникация воситаларининг улкан имкониятлари ўз навбатида асар яратувчилари учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммосини юзага келтирди. Шу муносабат билан электрон ресурсларни шакллантирувчи ахборот-кутубхона муассасалари ва бошқа муассасалар мазкур ресурсларнинг муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги, улардан фойдаланиш ҳуқуқига қанчалик эга эканликлари, республикамизда мазкур масалага қаратилган ҳукумат қарорлари ва қонуннинг мавжудлигига аҳамият қаратишлари зарур. Бунда катта масъулият қимматли электрон фондларга эга бўлган ва янгиларини яратадиган ахборот-кутубхона муассасалари зинмасига тушади.

Elsevier

Elsevier –илмий-техник, медицина адабиётларининг дунёдаги энг йирик ноширларидан бири бўлиб, ва фан ва таълимдаги ахборот ечимларининг провайдери ҳисобланади. 1880 йили Амстердамда (Нидерланд) ташкил этилган бўлиб, Буюкбритания, АҚШ, Бразилия ва бошқа мамлакатларда филиалларга эга. <http://www.elsevierscience.ru/about/worldwide/>

Бугунги кунда «Эльзевир» илмий ахборот ноширтчилик индустрисида ўзининг муҳим ўрнига эга. Илмий журналлар, китоблар, рефератив ва бошқа базалардаги материалларни чоп этиш борасида бой тажрибага эга бўлиб, нашриётда доимо илмий ва медицина тадқиқотларининг барча жабҳаларини қўллаб кувватлаш борасида доимий изланишлар олиб борилади.

Elsevier Books

ScienceDirect

www.sciencedirect.com

Elsevier нашриётчилик корпорацияси маҳсулотларига фойдаланишига имкон берувчи маълумот базаси сифатида 1999 йил ташкил этилган. Кейинчалик унинг мазмuni кенгайди ва ҳозирги кунда ScienceDirect илмий ва техник ахборот, медицинага оид йирик ахборот манбаларидан бири ҳисобланади. 5,5 миллиондан зиёд илмий журнал ва китобларнинг, рефератларнинг маълумот базалари, фундаментал энциклопедик ва маълумотнома нашрларининг тўлиқ маълумот базаларини ўз ичига олади. Барча хужжатлар PDF-шаклда тақдим этилади. Баъзи материалларнинг PDF шакллари билан бир қаторда, HTML ёки TIFF шакллари хам тақдим этилади. Рўйхатдан ўтмаган фойдаланувчилар базада қўйилган барча журнал, китоб, энциклопедияларнинг мундарижаларини қўриш имконига эга.

Шунингдек, тўловни амалга ошириш ва хохлаган манбага эга бўлиш Pay per view функцияси орқали амалга ошириладиган интерфейсга эга.

Назорат саволлар:

1. «Ахборот ресурслари» нима?
2. Ахборот ресурсларни ахборот кутубхона ресурсларидан фарқини тушунтиринг.
3. «Жаҳон ахборот ресурслари» тушунчаси нималарни ўз ичига олади?
4. Электрон илмий-таълимий ресурслар ноширларининг асосий функциялари нима?
5. Elsevier компанияси тўғрисида нималар биласиз?
6. SPRINGER MATERIALS маълумотлар базаси қандай материаллар манбаси хисобланади?
7. ProQuest Research Library маълумотлар базаси нималардан иборат?
8. EBSCO маълумотлар базаси нималардан иборат?
9. ИВИС қайси давлатнинг даврий нашрлар, китоблар, микрофильмлар, вақтли нашрлар ва ахборот ресурсларини тарқатувчи йирик компаниялардан бири хисобланади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

10. Рахматуллаев М., Ганиева Б. Жаҳон ахборот ресурслари.-Тошкент: Алоқачи, 2019.- 186 б.
11. Авторские права на электронные издания. Сборник справочно-методических материалов. Ташкент. Ташкентский государственный юридический институт. 2013. 250 с. Под редакцией проф. Рахматуллаева М.А.
12. Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: № ЎРҚ - 280. 2011й. 13 апр. // Халқ сўзи.- 2011.- 14 апр.
13. Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 181 сонли қарори.- 2006й..20 июнь // Халқ сўзи.- 2006.- 21 iyun.
14. Московкин В.М. Механизмы и инструменты открытого доступа к научному и гуманитарному знанию. http://www.slidefinder.net/m/механизмы_инструменты_открытого_доступа_научному/3373291
15. From Michael Kurtz, American Scientist Open Access Forum, 28 September 2005 <http://users.ecs.soton.ac.uk/harnad/Hypermail/Amsci/4807.html>
16. ScienceDirect www.sciencedirect.com Scitation <http://scitation.aip.org/>
17. Scopus <http://www.scopus.com>
18. Springer <http://ebooks.springerlink.com/> Доступ к электронным книгам - по адресу <http://www.springerlink.com/books>
19. Collection: Oxford Reference Online http://www.oxfordreference.com/pages/Subjects_and_Titles__2F
20. ProQuest <http://www.proquest.co.uk/en-UK/>
21. ProQuest Digital Dissertations and Theses www.proquest.com/products_umi/dissertations

IV БҮЛШІМ

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ ИШЛАР

1 амалий иш.

EBSCO PUBLISHING, ProQuest. Springer, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқалар. Очиқ ахборот ресурслар. Жаҳон ахборот ресурслари. Уларга кириш шароитлари ва хуқуқий шартлари (4 соат)

Ишдан мақсад: EBSCO PUBLISHING, ProQuest. Springer, Oxford University Press Emerald, IVIS ва бошқа очиқ ахборот ресурслар билан танишиш ва уларга кириш шароитлари ва хуқуқий шартларини аниқлаш.

Назарий маълумот

SPRINGER

Табиий-илмий ва медицина йуналишидаги китоблар ва академик журналларни нашр қилишга ихтисослашган халқаро нашиётлик компанияси (Германия) ҳисобланади. Компаниянинг географик кенглиги унинг нашрларининг дунё илмий хамжамиятида тутган ўрнини кўрсатади: дунё бўйича 40 дан ортиқ оғислар ва 8500 дан ортиқ ходимларига эга. 1846 йилдан эътиборан, компания ташкил этилган вақтдан бошлаб ишончли тарзда барқарор ривожланиб, университетлар ва илмий ташкилотларнинг ишончини қозонди. Ҳар йили қўйидаги ихтисослашган йўналишларга оид 2900 журнал ва 200 000 китоблар нашр қиласди:

- Табиий фанлар
- Энергетика
- Иқтисод
- Инженерия
- Биомедицина
- Бизнес и бошқарув
- Ижтимоий фанлар
- Химия
- Компьютер фанлари
- Ер хақидаги фанлар ва география
- Таълим ва тилшунослик
- Атроф мухит хақидаги фанлар ва экология
- Озиқ овқат ишлаб чиқариши
- Давлат ва хуқуқ
- Материалшунослик
- Медицина ва соғлиқни сақлаш
- Фалсафа
- Амалий фанлар (математика, физика, биология)
- Психология
- Статистика
- Астрономия
- Қишлоқ хўжалиги

SPRINGERLINK платформаси - улкан тармоқли платформа бўлиб, кўлланмалар ва маълумотлар базаси, электрон китоблар, журналлар ва кўрсаткичларнинг тўлиқ тўпламидаги 9 000 000 дан зиёд маълумотлардан эркин ва осон фойдаланиш имконони тақдим этади. Ушбу база 5 500 00 мақолалар, 500 000 маълумотномалар, лаборатория тадқиқотлари учун 40 000 протоколлар ўз ичига олади. Ҳар йили 7000 дан ортиқ янги электрон китоблар ва 2000 методик кўлланмалар, ҳар ойда эса 12000 зиёд журнал мақолалари қўшилади.

SPRINGER MATERIALS маълумотлар базаси – жаҳондаги энг йирик физика ва химияга оид материаллар манбаси ҳисобланади. Минглаб эксперталар томонидан текшириб киритилган, йиғилган маълумотларнинг жаҳондаги йирик манбасидир.

91 00 тармоқ хужжатлари, 1 000 000 дан ортиқ илмий ҳаволалар, 165 000 дан ортиқ модда қоришималар, 3 000 дан ортиқ хоссалар бўйича маълумотлар, Доимий равиша тўлдирилиб, янгиланиб турилади.

Кўйидаги билим соҳаларини қамраб олади: Ядро ва атомлардаги зарралар;

- Молекула ва радикаллар;
- Транспорт ва электрон тузилмалар;
- Магнетоизм;
- Яримўтказгичлар;
- Юқори ўтказгичлар;
- Кристаллография;
- Термодинамика;
- Кўпфазали тизимлар;
- Перспектив материаллар;
- Астрофизика и геофизика.

Springer Open – компаниянинг маҳсулоти ҳисобланиб, 500 тадан ортиқ илмий журналлар ва 20 дан ортиқ илмий китоблардан очиқ фойдаланиш имконини яратади. Барча ресурслар соҳаларнинг етакчи эксперт мутахассислари томонидан рецензияланади. Кўпгина нашриётлар билан ҳамкорлиги боис, SpringerOpen илмий ходимларга фаннинг барча соҳалари бўйича мақолалар чоп этишга имкон яратади.

BioMed Central – илмий-техник ва медицина соҳаси бўйича 291 та рецензияланадиган журналлар чоп этади. Портфолиоси биология, медицина ва биомедицинанинг барча соҳаларини қамраб олади. Барча журналлар чоп этилгач, тезлик билан эркин фойдаланишга тақдим этилади.

Chemistry Central – бу химия фанлари бўйича Springer Science and Business Media компаниясининг эркин фойдаланиш учун тақдим этиладиган платформаси.

EBSCO Information Services

Дунёдаги (АҚШ) энг йирик компанияларидан бири бўлиб, таълим ва илмий фаолият учун ахборотни етказиб берувчи илғор таъминотчи ҳисобланади. Ўз фаолиятини 1944 йилдан бери олиб боради. Кўплаб йирик давлат ва университет қошидаги кутубхоналар, ахборот марказлари, Европа, АҚШ ва бошка мамлакатларнинг йирик ташкилотларининг ҳамкоридир.

Бугунги кунда EBSCO – бу:

- 375 дан ортиқ, билимнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тўлиқ матнли маълумот базалари;
- 300 000 дан ортиқ аудиокитоблар ва электрон нашрлар;
- дунё бўйича 50,000 га яқин мижозлар;
- *Library Journal* маълумотларига кўра АҚШнинг академик ва оммавий кутубхоналари сўровида EBSCO маълумот базалари энг яхши деб тан олинган. Асосий йирик базалари қўйидагилардир:

Business Source Complete – ўз ичига тўлиқ матн ва библиографик маълумотларнинг кенг коллекциясини ўз ичига олган бизнесга оид илмий маълумотлар базаси. Бу маълумотлар базаси тавсия этадиган муҳим илмий журналларнинг кўрсаткич ва маълумотлари 1886 йилдан то бугунги кунни қамраб олади. Бундан ташқари, 1 300 журналларнинг қидирув имкониятига эга ҳаволалар берилган.

Academic Search Premier – ушбу мультидисциплинар маълумотлар базаси 4

600 дан зиёд журналларни түлиқ матнларини ўз ичига олади. Булардан, 3 900 га яқин номдагилари олдиндан рецензияланган. 1975 йилдан хозирги вақтга қадар 100 дан ортиқ журналларни PDF форматидаги нусхалари шакллантирилган.

Newspaper Source – кундалик газеталарнинг маълумот базалари. Минтақавий ва халқаро газеталарнинг танланган мақолаларининг түлиқ матнидан, ахборот агентликлари обзори USA today, Christian Science Monitor и Times(Лондон) лардан эркин фойдаланишга имкон яратади. Маълумотлар банки 240 дан зиёд газета ва бошқа манбаларнинг түлиқ матнларини қамраб олади.

Health Source - Consumer Edition – тиббиёт ва соғлиқни сақлаш маълумотлар баъзаси. Health Source: Nursing/Academic Edition - соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар, илмий ходимлар ва ишчилар (хусусан ҳамширалар) учун мўлжалланган мазмунли ахборот ресурси ҳисобланган маълумотлар базаси.

Masterfile Premier – универсал контентнинг кўп профилли базаси, илмий ва илмий-оммавий журнал нашрларининг библиографик ҳаволалари, реферат ва түлиқ матнларидан фойдаланишга имкон яратади. Умумий йўналишдаги фан соҳалари бўйича түлиқ матнга эга маълумтономалар, биографиялар, тасвир, карталар, байроқларнинг коллекцияларини қамраб олади.

MEDLINE – медицина бўйича түлиқ маълумотлар базаси. MEDLINE тиббиёт ҳақида кенг маълумотни ўз ичига олади, жумладан, касалларни парвариш қилиш, стоматология, ветеринария, соғлиқни сақлаш тизими ва ҳк.

АҚШнинг Миллий Тиббий Кутубхонаси томонидан яратилган энг йирик тиббий журналларнинг библиографик маълумотлар базаси.

Alt health Watch – Холлистик тиббиётга оид маълумотлар базаси. Таъсир соҳалари: Игна билан даволаш, Ароматерапия, Мануал терапия, Хитой тиббиёти, Гомеопатия.

Dentistry and Oral Science Source – Тиббиёт. Стоматология соҳасидаги тадқиқотчилар, ўқитувчилар, талабалар ва шифокорлар учун мўлжалланган.

Косметик стоматология, анастезиология, болалар стоматологияси ва шу каби соҳаларни уз ичига олади.

Dynamed – Тиббиёт. Тиббиёт ходимларига мўлжалланган минглаб мавзуларни қамраб олган клиник маълумотлар.

Global Health – Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассисларга оид оммабоп маълумотлар базаси.

International Pharmaceutical Abstract – дори-дармонлар терапияси ва фармацевтикага доир маълумотлар базаси.

Green File – Атроф-мухит, Қишлоқ хўжалиги, экотизимлар ва шу каби мавзуларга оид илмий ва илмий-оммабоп ресурслар тўплами.

Green File – Атроф-мухит, Қишлоқ хўжалиги, экотизимлар ва шу каби мавзуларга оид илмий ва илмий-оммабоп ресурслар тўплами.

Art and Agritecuture Complete - Санъат, Рассомчилик ва Архитектура. Таъсир соҳалари: Қадимийлик, Археология, Презервация технологиялари, Декоратив ва График санъат, Интерьер ва Ланшафт Дизайн, Фотосурат, Ҳайкалтарошлик ва ҳ.к.

Energy and Power Source – Энергетика, Газ ва Нефть соҳасидаги мутахассислар, ишчилар ва илмий ходимлар учун мўлжалланган түлиқ матнли ахборот ресурси.

Engeneering Source – барча мутахассисликдаги мухандисларга оид маълумотлар базаси (дарсликлар, маълумтономалар, мультимедиа қулланмалари,

илмий журналлар).

Garden, Landscape and Horticulture Complete – Ботаника, Ботанический и ландшафт дизайн бўйича маълумотлар базаси.

Health Source: Nursing/Academic Edition - соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар, илмий ходимлар ва ишчилар (хусусан ҳамширалар) учун мўлжалланган мазмунли ахборот ресурси.

Hospitality and Tourism Complete – Туризм ва Мехмонхона бизнесининг илмий ва услубий асосларига оид маълумотлар базаси.

Humanities Full Text (H.W.Wilson) – гуманитар фанлар бўйича маълумотлар базаси.

International Political Science Abstracts – сиёсий фанлар бўйича тадқиқотчиларга мўлжалланган маълумотлар базаси.

Legal Collection – Ҳуқукунослик фанларига мансуб улкан маълумотлар базаси.

Library and Information Science Source – Ахборот ва кутубхона фаолиятини ривожланишининг илмий ва амалий томонларига оид маълумотлар базаси.

Masterlife Complete – бир хил йуналишдаги юкори рейтингли нашриётларнинг катта миқдордаги тўлиқ матнли журналларини ўз ичига олган тўплам.

Middle Eastern and Central Asian Studies – Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёдаги мамлакатлар ва одамлар ҳакидаги сиёсий ва ижтимоий маълумот.

Newspapers Source – ушбу тўплам АҚШнинг 45 дан зиёд миллий ва ҳалкаро газеталарини, CBS News, CNN, Fox News ва бошқа шу каби каналларнинг телевизиони- ва радио- янгиликларини ўз ичига олади.

Petroleum Abstracts Tulsa Database – Нефть ва газ саноатидаги мутахассисларига мўлжалланган турли хил илмий ресурслар (илмий журналлар, маколалар, қўл ёзмалар, маълумотномалар).

Polymer Library – Пластик, резина, полимер композитлар ва клей каби кимёвий материалларга доир дунёдаги энг улкан маълумотлар базаси. Бу тўпламга илмий журналлар, конференциялар тўпламлари, китоблар, ҳисоботлар ва х.к. киради.

Professional Development Collection – ушбу тўплам таълим ривожланишининг илмий асослари ва амалий жиҳатларига оид 500дан ортик илмий журналларни ўз ичига олади.

Psychology and Behavioural Science Collection – Психология бўйича тўлиқ матнли ресурс.

Textile Technology Complete, World Textile – Тўқимачилик саноатидаги мутахассислар, олимлар, ўқитучилар ва талабалар учун мўлжалланган маълумотлар базаси.

Library, Information Science & Technology Abstracts (LISTA) База кутубхоначилик бўйича кенг қамровли тўлиқ маълумот базасига эга. Кўрсаткич ўз ичига 560 та асосий журналлар, тахминан 50 приоритетных журналлар ва 125 га яқин танланган журналлар, шунингдек, китоблар, тадқиқотлар бўйича ҳисоботлар, конференция тўпламларини ўз ичига олади. Мазмунан кутубхоначилик иши, классификация, каталогглаштириш, библиометрия, ахборотга бўлган онлайн кириш, ахборот менежменти ва бошқа масалаларни қамраб олади. База 1960-йиллар ўрталарига оид ахборотларни ўз ичига олади.

ERIC (Educational Resource Information Center) – таълим масалалари

бўйича маълумотлар базаси. Таълим масалаларига оид тўпламлар, илмий журналлар тўпланган.

GreenFILE – мазкур маълумотлар базаси инсоннинг атроф муҳитга таъсири аспектларини очиб берувчи кенг қамровли ахборот берувчи манба ҳисобланади. Бу экологик қурилишлар, атроф муҳитни ифлосланиши, қишлоқ хўжалигини ривожланиши, энергия манбаларини янгиланиши, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқа бир қатор муаммоларга оид тўлиқ кенг қамровли ахборот берувчи илмий, оммавий ишларни ўз ичига олади. Маълумотлар базаси 384000 ёзувни ўз ичига олган предмет кўрсаткич ва рефератларни ўз ичига олиб, улардан 4700 ёзувлар тўлиқ матни билан эркин фойдаланишга қўйилган

AHFS Consumer Medication Information - AHFS Consumer Medication Information – бу инглиз ва испан тилларидағи дори маҳсулотларининг ахбороти бўйича манба ҳисобланади. соғлиқни сақлаш тизимидағи Америка фармацевтлар жамияти (AHFS) томонидан нашр этиладиган ресурс истеъмолчилар учун тушунарли бўлган тилда ёритилган ахборотни ўз ичига оловучи мингдан ортиқ монографияни ўз ичига олади.

Regional Business News – бизнесга оид минтақавий нашриётларнинг тўлиқ маълумотлар базасини ўз ичига олади. Regional Business News 80 дан зиёд АҚШнинг йирик шаҳар ва қишлоқларида чоп этилган минтақавий тўлиқ маълумотлар базасини ўз ичига олади.

Business Source Premier - 2 300 дан ортиқ бизнесга оид журналларнинг тўлиқ матнли ва 1100 дан ортиқ рецензияланган нашрларнинг маълумот базалари тўплами. 1886 йилдан бошлиб маълумотларни ўз ичига олган манбаларнинг тўлиқ матни, шунингдек 1998 йилги манбалардан қидирув учун ҳаволалар тақдим этилган.

Business Source Complete Database

www.ebscohost.com

Business Source Complete - 2500 га яқин тўлиқ матнли журналлардан иборат маълумотлар базаси. Архив кўлами 1886 йилгача. Кўшимча тўлиқ матнли манбалар ўз ичига молиявий маълумотлар, китоб сериялари, монографиялар, маълумотномалар, конференция материаллари, саноатнинг турли соҳалари бўйича ҳисботлар, бозор таҳлили, мамлакатлар бўйича ҳисботлар, компания профили, SWOT.

ProQuest

ProQuest компанияси барча тадқиқотчилар, илмий ходимлар, ОТМлар, кутубхоналарга ахборот контенти бўйича ва фанни ривожлантиришда фаолият юритади. ProQuest илмий диссертация ва тезисларни чоп этишда етакчи ҳисобланади. ProQuest маълумот базаларида илмий билимлар замонавий мультимедиа контентида тақдим этилиб, маълумотларни қидириш борасида қулай сервис, шунингдек янги платформанинг бир қатор имкониятлари мавжуд.

ProQuest® Congressional Hearings Digital Collection

ProQuest® Congressional Hearings Digital Collection – АҚШ Конгрессида тингланган материалларнинг чоп этилгани ва чоп этилмаганларига фойдаланишга имкон яратади. Американинг давлат сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ ноёб ҳужжатлар, шунингдек, бу масалаларда Конгресснинг роли хақида объектив маълумотларни тақдим этади.

Қимматли илмий ахборот

Коллекция турли хил соҳаларга оид объектив маълумотлар, сиёсий таҳлиллар ва илмий тадқиқотларнинг муҳим манбаси ҳисобланади:

- *Афро-америка тадқиқотлари;*
- *Қишлоқ хўжалиги;*
- *Бизнес;*
- *Иқтисод;*
- *Таълим;*
- *Соғлиқни сақлаш;*
- *Халқаро муносабатлар;*
- *Қонунчилик;*
- *Халқаро муносабатлар;*
- *Сиёсат;*
- *Фан ва технологиялар.*

Куйидаги майдонлар бўйича кенгайтирилган қидирав:

- *Bibliographic numbers (SuDoc or CIS accession number);*
- *Committee;*
- *Hearing numbers (where available);*
- *Legislative numbers (bills, public laws, and Statutes at Large citations);*
- *Subject terms (controlled vocabulary);*
- *Title (hearing title or insertion title);*
- *Witness name;*
- *Witness affiliation.*

Мақсадли аудитория

Оммавий ва маҳсус кутубхоналар, талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, журналистлар, сиёсатчилар, сиёсатшунослар, давлат тизимидағилар.

ProQuest Research Library

ProQuest Research Library — ProQuest нинг кенг қамровли маълумот базаларидан бири, 5 000 дан зиёд номдаги, 4 000 вактли нашрлар, улардан 3,600 – тўлиқ матнли нашрларни ўз ичига олади. 150 фанга оид турли хил авторитет илмий, тармоқ ва оммабоп журналларни ўз ичига олади. Шунингдек, маълумот базасига газеталар ва маълумотнома нашрлар киритилган. ProQuest Research Library икки компонентдан иборат – вактли нашрларнинг рўйхати ва 15 та кўшимча тематик модуллар:

- Санъат
- Бизнес
- Болалар
- Таълим
- Умумтаълим материаллари
- Соғлиқ
- Гуманитар фанлар
- Дунё мамлакатлари
- Юриспруденция
- Ҳарбий иш
- Маданиятлар турли туманлиги
- Психология

- Фан
- Ижтимоий фанлар
- Аёллар учун материаллар

Бу тадқиқот институтларининг, кутубхоналар, ўқув муассасалари учун маълумот базаси бўлиб, умумтаълим материалларни, махсус манбаларни ўз ичига олади. Қидирув учун қулай интерфейс асосий вақтли нашрлар, тематик модуллар бўйича бир вақтнинг ўзида максимал тўлиқ натижа олишга имкон яратади.

ProQuest Research Library 150 базавий академик фанлар бўйича ташқи web сайтларга ҳаволаларга эга.

ProQuest Technology Collection

ProQuest инновацион платформасида фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ресурси бўлиб, ўзида бешта кучли мавзувий маълумот базасини ўз ичига олади:

- ProQuest Illustrata Technology
- ProQuest Advanced Technologies Database with Aerospace
- ProQuest Materials Research Database with METADEX
- ProQuest Engineering Research Database
- ProQuest Computer Science Collection

ProQuest Technology Collection маълумотлар базаси:

• 3500 дан зиёд тўлиқ матнли илмий журналлар 1962 йилгача бўлган архиви билан; 50% дан зиёд мазмуни - рецензияланган журналлар.

• 30 млн. дан ортиқ мазкур тематиканинг турли аспектлари бўйича ортиқ библиографик ва рефератив ҳужжатлар.

• Илмий мақолалардан 10 млн. дан зиёд максимал аниқ тематик қидирув учун мўлжалланган иллюстрациялар (жадвал, графиклар, фотосуратлар, карталар ва б.к.)

Тўлиқ матнли илмий журналлар бутун дунё бўйича техника фанлари инженерлик иши бўйича юқори технологиялар, шунингдек, материалшунослик, компьютер фанлари, физика, химия, математика, машинасозлик, нанотехнологиялар, электроника, телекоммуникация, аэрокосмик тадқиқотлар ва бошқа кўплаб фанлар бўйича ахборотларни ўз ичига олади. Юқори импакт-факторли журналлардан қуидагиларни келтириш мумкин: Aircraft Engineering and Aerospace Technology, American Journal of Mathematics, Computational Optimization and Applications, Chemical Engineering Progress, Microscopy and Microanalysis, , Materials Science and Technology, Mechanical Engineering, Mineralogy and Petrology , Powder Metallurgy, Information Management & Computer Security, Continuum Mechanics and Thermodynamics.

Маълумотлар базасида журнал мақолалари, китоблар, монографиялар, тармоқ адабиётлари, диссертациялар, патентлар, лаборатория ва турли илмий ташкилотларнинг ҳисоботлари, конференция материаллари (24 ахборот манбаси). Бу тадқиқотчиларга, кутубхоначиларга дунёда техника фанларига оид чоп этилаётган материалларни кузатиб бориш, керакли бўлган ахборотни ўтказиб юбормаслик имконини беради.

10 млн. имиджлар (жадвал, график, фотосуратлар, карта ва бошқалар ProQuest Illustrata технологиялари орқали индексланган бўлиб, улар фойдаланувчига керакли ҳужжатларни анъанавий қидириш воситаларига қараганда самарали топишга имкон яратади. Тавсиф предмети бўлиб барча тасвир белгилари кўлланилади: формуналар, специфик терминлар, рақамли ва ҳарфли белгилар.

Тасвирларни қидирувини амалга оширишда танлашнинг кенг спектрига эга бўлган қидирув модули қўлланилади.

Қидирувни амалга оширишда қўйидаги критерийлар қўлланилади: тасвир тури (фотосурат, расм, карта, жадвал, график ва б.к.), карталар – географике, геологик, физик, экологик ва бошқалар. Нашрнинг чоп этилиш вақти диапазони, шунингдек, тўлиқ тасвир – опциясини бериш мумкин.

Маълумотлар базаси жойлашган **ProQuest Платформаси** рус тилидага интерфейсга эга бўлиб, аниқ релевант натижа олишга қаратилган ахборотнинг катта оқими билан ишлай оладиган хизмат қўрсатишга эга. Фасет навигацияси тизими йўлга қўйилган. RefWork туридаги дастурӣ воситаларни интеграцияси йўлга қўйилган. Билдиришлар RSS-технологиялари асосида фақатгина берилган мавзу бўйича эмас, балки аниқ нашр бўйича ҳам амалга оширилади. Маълумотлар базасига кириш Proxy-сервер орқали ташкилотларнинг IP орқали амалга оширилади.

«Digital Dissertations and Theses»

Digital Dissertations and Theses - рақамли диссертациялар ва тезислар

«Digital Dissertations and Theses» - бу 80 та университетларнинг докторлик ва магистерлик диссертацияларнинг электрон шаклдаги тўплами.

Ушбу коллекция дунёдаги энг тўлиқ диссертациялар ва авторефератлар тўплами ҳисобланади. Ушбу маълумотлар базасида жаҳондаги турли хил университетларнинг 1,7 мингдан ортиқ муаллифларнинг ишлари ўрин олган.

- Ҳаммаси бўлиб 2,9 млн. атрофидаги тадқиқотлар
- 1,2 миндан ортиқ PDF форматида тўлиқ матн базаси
- Маълумотлар базаси ҳар ҳафта тўлдириб борилади
- Ҳар йили 70 000 дан ортиқ хужжатлар билан бойитилади
- Архиви 1637 йилдан то ҳозирги кунгача қамраб олиниади
- Рус тилидаги интерфейс

Online равишда рус тилига бошланғич 24 бетни таржима қилиш имконияти мавжуд, Шунингдек тез кунда Хитойдан 500000 та диссертация олиниши режалаштирилган.

ProQuest Диссертация ва Тезислар маълумотлар базасини тўлиқ ва алоҳида томларда олиш мумкин:

Том А – умумий ва гуманитар фанлар бўйича диссертациялар

Том В – аниқ ва техник фанлар бўйича диссертациялар

ProQuest Диссертация ва тезислар маълумотлар базасидаги барча билим соҳалари замонавий мултимедиа контентларда жойлашган бўлиб, илмий материалларга юқори сифатли даражада киришни таъминлайди, қидирув натижалари билан ишлаш хизматларини ва янги ProQuest платформасидаги бошқа ноёб имкониятларни тақдим этади. Кириш имконияти IP- адрес орқали чегараланмаган ҳолда ва бир вақтнинг ўзида бир қанча фойдаланувчилар кириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга нусха олиш, саклаш ва ахборотларни чоп этиш имкониятларига эгадир.

Диссертациялар маълумот базалари хақидаги ахборотлар ProQuest сайтининг Products & Services: www.proquest.co.uk бўлимида жойлаштирилган.

ProQuest Education Journals - ProQuest Журналлари

ProQuest Education Journals – бошланғич, ўрта, олий, маҳсус ва қўшимча таълим соҳаларига доир барча фанларга оид ахборотларни ўз ичига олган тўлиқ матнли маълумотлар базаси ҳисобланади. Бундан ташқари, МБда тарих, назария,

үқитиши методологияси, таълим лойиҳалари ва инновацияларига оид маълумотлар ҳам жамланган. Фанлараро характерга эга бўлган мақолалар кенг тақдим этилган: таълим психологияси, таълим сотсиологияси, билимлар социологияси, таълим сиёсати, таълим менеджменти ва ҳоказолар.

Таълимнинг кўргазмали системасига доир маълумотлар ҳам жамланган: адабиёт, тил, биология, география, математика физика, санъат, жисмоний тарбия ва ҳ.к.

МБ таркиби:

✓ Жаҳон бўйлаб нашр этилаётган 900 дан ортиқ илғор журналлар; улардан 600 таси – тўлиқ матнли

✓ Ассоцияциялар, илмий уюшма ва институтлар томонидан нашр этилаётган, 140 соҳалараро нашрлар, масалан: American Annals of Death, Child Health Alert, Computers in Education, Learning and Training Innovation, Media and Methods

✓ Childhood Education, College Teaching, Harvard Educational Review, Journal of Athletic Training, Educational Theory, Quality in Higher Education каби журналларнинг минглаб тўлиқ матнли мақола ва иллюстратсиялари билан яқиндан танишишни таъминлайди.

✓ Таълим фанларига қаратилган схемалар, жадваллар, диаграммалар ва бошқа график элементлар келтирилган

✓ МБ 1991 йилдан бошлаб шакллантирилган

✓ Рус тилидаги интерфейс, чет тилидаги мақолаларнинг рус тилидаги компьютер таржимаси, содда ва қулай қидирув тизими, қидирув натижаларини саклаш, қоғозга чиқариш, жўнатиш имконияти каби қулайликлар ресурсадан ўқув жараёни ва илмий ишларда фойдаланишда ўқитувчилар ҳамда илмий ҳодимлар, талабалар ва аспирантлар, таълим соҳасидаги менежерлар учун жуда қўл келади.

http://www.proquest.co.uk/enUK/catalogs/databases/detail/pq_ed_journals.shtml

– ProQuest Education Journals МБ ҳақида батафсил маълумот

<http://proquest.com/tls/servlet/ProductSearch?platformID=1&externalID=7262&vdID=1>

ProQuest Education Journals МБ журналларининг тўлиқ рўйхати

